



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (13.372)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 февраль куни Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Маминни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари, шу жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар барқарор ва изчил ривожланаётгани ҳамда мустақам-ланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Давлатларимиз раҳбарларининг 2016 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳридаги учрашувда эришилган келишувларга мувофиқ ўзаро савдо ҳажмини тўдан ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, шунинг-дек, мамлакатларимизнинг етакчи корхоналари ўрта-сида саноат кооперациясини ривожлантиришга қара-тилган қатор истиқболли лойиҳалар ҳамкорликда иш-лаб чиқишмоқда.

2016 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард доллардан зиёددан ташкил этган. Ўзбекистонда қозоғистонлик ҳамкорлар иштирокида ту-зилган 230 дан ортиқ компания фаолият юритмоқда. Автомобиль ва темир йўл-транспорт, авиаташу-валар соҳаларида анъанавий фаол ҳамкорлик қилиб келин-моқда.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги са-марали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада фаол-лаштириш, бунинг учун аввало савдо, инвестициявий технологиялар ва транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатил ва мустақамлаш лозимлиги, бу савдо ва ма-даният соҳаларида алоқаларни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланди.

Асқар Мамин самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик изҳор этди ва Қозо-ғистон Ўзбекистон билан кенг қўламли амалий ҳамкор-лигини янада кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Ў.А.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, энергетика, нефть-газ, боғхона, транспорт ва транс-порт коммуникациялари, темир йўл, авиаташу-в, машинасозлик, электр-техника, қурилиш, қишлоқ хў-жалли, озиқ-овқат саноати, фарма-цевтика соҳаларида фаолият кўр-са-таётган вазирлик ва идоралари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Очилбой Рама-тов мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишув-лар ҳуқуқий асос бўлаётганини ало-ҳида таъкидлади.

Мамлакатимиздан Қозоғистонга электр энергияси, мева-савзавот-лар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа қатор маҳсулот-лар экспорт қилинмоқда. Ўзбеки-стонда қозоғистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган корхоналар савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда иш юритмоқда.

Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Асқар Мамин иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлан-тириш бўйича икки мамлакатда ҳам

фойдаланилмаган имкониятлар кўп эканини таъкидлади.

– Ўзбекистон Қозоғистоннинг энг муҳим ҳамкорларидан бири, – деди Қозоғистон Республикаси Инвестиция ва ривожланиш вазирлигининг туризм департаменти директори Марат Игалиев. – Мамлакатларимиз ўртаси-да бошқа соҳалар қатори туризм ало-қаларини ривожлантириш, айниқса, Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қадим-ий шаҳрларига сайёҳлар қадими-ни кўнатиришдаги ўзаро ҳамкорликдан манфаатдоримиз. Мазкур комиссия мажлиси икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштириш, истиқболли қўшма лойиҳаларни амал-га ошириш масалаларини муҳокама этиш учун қўлай имконият бўлди.

Қозоғистон делегацияси аъзолари Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самаралари, мамлакатимиз иқтисодиётига хори-жий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилаётган шароитлар, юр-тимизнинг экспорт салоҳияти, ин-дустриал зоналардаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкор-лигини янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро то-вар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, кенг қўламли савдо-иқти-содий, транспорт ва энергетика со-ҳаларидаги ҳамкорлигини кенгайти-ришдан манфаатдор экани қайд этилди.

– 2016 йили “Ўзагроэкспорт” ак-циядорлик жамияти қозоғистонлик ҳамкорлар билан Остона шаҳрида “Марказий Осиё савдо уйи”ни таш-кил этди, – деди Савдо уйи бош директори Алишер Махмудов. – Сав-до уйи улгуржи ва чакана савдо фа-олиятларида хизмат кўрсатиш, етказиб беришни ташкил қилиш, боғхона хизматлари, истеъмол товарларини сотиш ва қайта ишлаш, маркетинг сиёсатини олиб бориш ва бошқа ўзаро манфаатли йўналишлар бил-лан шугулланади.

Мажлисида ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва номенклатураси-ни кенгайтириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Боғхона, нефть-газ, маданий-гуманитар, ат-роф-муҳит муҳофазаси каби соҳа-лардаги алоқаларни ривожланти-риш, Қозоғистонга электр энергия-си, маиший, қишлоқ хўжалиги тех-никаси ва ускуналарини экспорт қилиш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амал-га ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳукуматлараро комиссия мажли-сида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлигини яна-да ривожлантиришга доир ҳужжат-лар имзоланди.

Қозоғистон делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор саноат корхоналари фаолияти билан та-нишди.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бандлик дастури – амалда

БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан таълим муассасаларида ташкил қилинаётган битирувчилар ярмаркалари ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бу йилги битирувчиларни ишга тақсимлаш мақсадида ташкил этилган ярмаркада турли идора ва ташкилот-лар, таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Университет ректори Ф.Раҳимов ва бошқалар таъ-лим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг қўла-ли ислохотлар ўз фуқаролик позициясига эга, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, бир нечта хори-жий тилларда бемалол сўзлаша оладиган авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётган-ини таъкидлади.

Ушбу таълим даргоҳини битирган юзлаб малакали мутахассислар мамлакатимизнинг нуфузли таълим му-ассасалари, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари-да самарали фаолият юритмоқда. 2017 йил универси-тетни 10 бакалаврият таълим йўналиши ва 11 магистратура мутахассислиги бўйича 1 минг 700 дан зиёд йи-гит-қиз тамомлайди. Ярмаркада иш берувчилар бил-лан битирувчилар ўртасида бевосита мулоқот ва шарт-номаларни расмийлаштириш ишлари олиб борилди. Битирувчилар ўз мутахассислиги ва қизиқиши бўйича турли ташкилот ва таълим муассасалари билан шарт-номалар имзоледи.

Университет битирувчиси Ҳасан Мирсаидов пойтах-

тимиздаги Республика олимпия захиралари коллежи-да амалиёт ўтаган. Ўқишни тугатган, у коллежда инг-лиз тили ўқитувчиси сифатида ишга жойлашадиган бўлди.

– Амалиёт давомида коллеждаги шароитлар билан яқиндан танишиб, иш жараёни бўйича кўникма олдим, – дейди Ҳ.Мирсаидов. – Бу таълим даргоҳида муваф-фақиятли иш бошлашимга ёрдам беради, деб ўйлай-ман.

– Ҳар йили ушбу ярмаркада фаол қатнашамиз, – дейди ЎЗА мухбирига “Ўзбекистонда хорижий тиллар” электрон журнали ва интернет портали директори Гул-мира Шукурова. – Журналимиз ҳам чет тилларни ўзлаштирган, интернет журналистикаси сир-асрорлар-ридан хабардор ёш мутахассисларни ишга тақлиф қилади. Бугун кўплаб талабалар тахририятимизда ама-лиёт ўтамоқда.

Ўтган ўқув йили натижаларига кўра, битирувчилар-нинг 86 фоизи мўлким иш жойига эга бўлган. Универ-ситет жамоаси иш берувчилар билан шартнома имзо-ланганидан кейин битирувчиларнинг иш билан таъ-минланганликларини доимий мониторинг қилиб бора-ди.

А.КИЁСОВА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 10-11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Ангор туманидаги Занг гиламбоб қишлоғида Шоди бобо Хушбоқов хонадонига бўлиб, отахон ва у кишининг умр йўлдоши Саломат момо билан суҳбатлашди.

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИГА САЗОВОР БЎЛГАН БОБО

– Давлатимиз раҳбарининг уйимизга келгани, дилдан мулоқот қилгани, хол-аҳвол сўраганига ҳали ҳам ишонгим келмайди. Тавба дейман, шунча иш-дан ортиб оддий фуқаролар хонадонига бориш, у билан гурун қилиш, турмуши, шароити, ўй-фикр-лари билан қизиқиш учун одам қанчалар бағри-кенг бўлиши керак экан-а, деб ўйлайман-да, – дейди Шоди бобо. – Ўзингиз қаранг-да, умри бино бўлиб даладан бошқасини кўрмаган одам мамла-кат Президенти билан ўз уйида гурун қилиб ўти-р-са, бировга айтсанг ишонмайди. Лекин шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари билан оиламизнинг кундалик турмуши, маҳалламиз ҳаёти, фарзанду набиралар тарбияси, ўқиши, иши, деҳқончилик сир-лари, юртимизда юз бераётган ўзгаришлар, хул-лас, ҳамма нарса ҳақида гаплашдик. У кишининг сиз каби кўпни кўрган, юзидан нур ёғилиб турган отахон ва онахонлар жамиятимизнинг мустақам замини, юртимизнинг файзу баракасидир, деган сўзлари менга ҳам, кампирга ҳам куч-қувват ба-ғишлади, умримизга умр қўшилди. Момонгиз ик-ковимиз кўп йилларга ёшариб кетдик.

(Давоми 2-бетда)

2017 йил 24 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда “Йилнинг энг фаол аёли” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда иш-тирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, фаол фуқаролик позици-яси, сиёсий партияларга оид мил-лий қонунчилик ва халқаро тажри-балардан хабардорлиги, етакчилик ва нотиклик қобилияти синовдан ўтказилди. Ёшлар тарбияси, юрт тинчлигини асраш, Ватанга муҳаб-бат каби мавзулар саҳна кўриниш-лари орқали ифода этилди.

● Қорақалпоғистон Республика-си Элликқалъа туманидаги Санъат саройида Ўзбекистон ёшлар сим-фоник оркестри иштирокида “Она юрт оҳанглари” концерт дастури намойиш этилди. Ўзбек ва жаҳон мумтоз композиторларининг асар-ларидан намуналар, опералардан ариялар, замонавий мусиқий асар-лар янграган концерт дастури то-мошабинларда катта таассурот қолдирди.

● Қаршида Тадбиркорлар ва иш-билармонлар ҳаракати – Ўзбекис-тон Либерал-демократик партия-си Қашқадарё вилояти кенгаши то-монидан “Фермерларга хизмат кўрсатишнинг Қашқадарё мактаби аграр соҳа ривожланишида бар-қарор тараққиёт кафолатидир” мавзусида амалий мулоқот ўтка-зилди. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда халқ депутатлари вило-ят Кенгаши депутатлари, тижорат банклари, соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар вакиллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

ЖАҲОНИДА

● Лондон илм-фан музейида ро-ботлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли мамлакатла-рида яратилган юздан ортиқ ноёб экспонатларнинг ақл бовар қилмас имкониятлари намойиш этилди. Кўргазмада иштирокчиларни, ай-ниқса япон олимлари томонидан яратилган инсон қиёфасидаги “Kodomoroid” роботининг телеян-гиликлар бошловчиси вазифасини инсонларга нисбатан аъло даража-да бажарганлиги лол қолдирди.

● Астрономларнинг сўнгги тад-қиқотлари натижасида Кўёш тизи-мидаги энг кичик сайёра ҳисоб-ланмиш Плутонда баландлиги 4 километрга етувчи муз тоғлари ва 3 километр чуқурликдаги жарлар мавжудлиги аниқланди. Қизиги шундаки, муз тоғларидаги ҳаро-рат минус 230 градусга тенг экан.

ХАБАР

2017 йил 23 февраль куни соат 16:30 да Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги “Фарғонаазот” АЖнинг аммиак цехида таъмирлаш-монтаж ишлари жараёни-да портлаш содир бўлган.

Қурбонлар бор.

Воқеа сабабларини ўрганиш ва бахтсиз ҳодисадан зарар кўрганларнинг оилаларига керакли ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат комиссияси тузилди.

ФВВ ахборот хизмати

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИГА САЗОВОР БЎЛГАН БОБО

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шоди бобо Хушбоқов бу йил 84 ёшни қарши олди. Хали бардам, фикри теран, хотираси мустаҳкам. Болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган Шоди бобо тенгдошлари қатори не-не кийинчилиги машаққатларни бошидан ўтказди. Ўспиринлик даврида уруш асоратларини қалбдан ҳис этди, очарчиликни кўрди. Ўрта мактабни тугатгач, институтга ҳужжат топширди. Лекин омади келмади. Қишлоқдошларининг ўқишга қиролмабди, деган гап-сўзларини ор билиб, бир йўла ҳайдовчилик курсини тугатиб, уйига қайтди. Икки йил хўжаликда ҳайдовчилик қилди, кейин пахтачилик бригадасида ишлади. Ҳалол меҳнат қилиб, деҳқончилик сирларини ўрганди. Умр йўлдоши Саломат момо Раҳимова билан 8 ўғил, 2 қизни тарбиялаб, воёга етказди. Ўғиллари қўли гул уста, хунареманд бўлди. Ўттиздан ортиқ неваралар, йигирмага яқин чевара қуршоғида пиру бадавлат ҳаёт кечираётган отахон ва онахон бугунги осойишта ва обод ҳаётга шукрона келтиради, эл-юртга тинчлик сўраб дуо қилади.

Занг гиламбоб маҳалласида 2 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Маҳалла ҳудудида битта умумтаълим мактаби ва битта мактабгача таълим муассасаси ёш авлоднинг замонавий билимларни пухта эгаллашига хизмат қилмоқда. Беш фермер хўжалиги пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштириб, дастурхонимиз тўқинлигини таъминлашга ҳисса қўшаётди. Томорқа оилаларнинг қўшимча даромад манбаига айланган. Иссиқхоналарда парваришланаётган турли зироатлар қиш ва баҳор фаслида ҳам бозор ободлигини таъминламоқда. Паррандачилик, чорвачилик ривожланаётди.

Маҳаллада томорқадан унумли фойдаланиш маданиятини юксалтиришда Шоди бобо барчага ибрат, дейди "Занг гиламбоб" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёдулла Исмолов. — Томорқадан йилга икки-уч марта ҳосил олади. Шоди бобога ҳавас қилиб, томорқасида зироат етиштираётган хонадонлар кўпайиб бормоқда.

Шоди бобо Хушбоқов фарзандлари ва невараларига ҳам деҳқончилик сирларини обдон ўргатиб, уларга ерга меҳр бериш зарурлиги, ҳалол меҳнат орқасидан рўзгор тебратиш лозимлигини уқтирган. Ўтган йили отахон томорқада етиштирилган картошқадан 25 миллион сўмдан ортиқ даромад олгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бир донна картошқамиз 800 граммгача тош босади, — дейди Шоди бобонинг ўғли Шокир Хушбоқов. — Кўпчилик бунинг сири нимада, деб сўрайди. Отам бизга мўл ҳосил олиш учун ерни экишга обдон тайёрлаш, қишда қўйнинг чирган қийи билан озиклантириш, яхши уруғ танлашни ўргатган. Зироат парваришида масалаҳатгўй. Томорқага ҳар йили 500



килограмм атрофида картошқа экиб, 5 тоннадан зиёд ҳосил оламиз. Энди англаяпман, картошқа етиштиришда кўпчилик уруғ танлашда адашар экан. Бу йил картошқанинг "Алоудин" навини экидик.

Айни пайтда Шоди бобо томорқасида эртаки картошқа ниш урмоқда. Томорқа атрофига дид билан ёнғоқ, бодом, тут, ўрик каби мева-дараклар экилган. Ҳовли адоғидаги қўрада юзга яқин қора мол, қўй, товуқ парваришланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томорқамизга қараб туриб, Сурхондарёни яхши биламан, тупроғи унумдор, мўл ҳосил олиш учун жуда қўлай, дедилар, — дейди Шоди бобо. — Мен у кишига шу томорқадан йилга уч марта ҳосил олишимизни айтдим. Эртаки картошқа экимиз. Уни баҳорда йиғиб олиб, помидор қўчати қадаимиз, полиз етиштирамиз. Оққировгача ҳовлимизда зироат бўлади. Ўзимиз еймиз, ортиқчасини сотамиз, дедим. Яратилаётган бундай шароит, имконият учун миннат-

дорлик билдирдим, дуо қилдим. Президентимиз уйимиздан қайтгач, бизга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Captiva" машинасини совға қилиб юборибдилар. Кўп яшасин. Бошимиз кўкка етди, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бу кампир икковимизнинг умримизда олган энг улуг совға бўлди. Ҳа, ўзини билган одамга бундан ортиқ эътибор, бундан ортиқ ғамхўрлик бўлмайди-да. Бундан фахрланаман. Олдинги тузумда давлат раҳбари оддий кишлоқ уйига кириб, ҳол-аҳвол сўраганми? Машина совға қилишни-ку айтмасаям бўлади. Бугун болаларим, невараларимнинг тўқин, бахтли ҳаёт кечираётганини кўриб, беихтиёр болалигимни, бешафқат очарчилик йилларини эсламан. Ҳалол меҳнат, юртимиздаги меҳр-оқибат, ёшу кексага кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан суюнаман. Илоҳим, жаннатимизда юртимизда тинчлик, тўқин-соқинлик, ободлик абадий бўлсин!

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Муносабат

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича тарихий ўзгаришлар назарда тутилган Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик вакиллари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Турли соҳа вакилларининг қуйидаги мулоҳазалари фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар аҳамиятини ва суд ҳокимияти обрўси ва нуфузини янада оширадиган муҳим қадам бўлди.

Фармон билан судьялик корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органининг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида қисқа муддатда Кенгаш тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланди.

Шу билан биргаликда Фармондаги комиссия таркибига оид талабларга эътибор қаратадиган бўлсак, унда кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдирномасига биноан Сенат томонидан тасдиқланиши, комиссия аъзоларининг кўпчилигини ташкил этувчи судьялар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги малакали мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган 20 нафар аъзодан иборат бўлиши белгиланиши эса, келгусида судьялик лавозимларига малакали мутахассислар орасидан очик ва шаффоф танлов асосида судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлиги бўзилишини ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашиларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, номзодлар ва судьяларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш масалаларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Фармондаги яна бир аҳамиятли жиҳат сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бишлатирилиши бўлди. Бу эса ўз навбатида суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини таққорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончлари янада ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мазкур Фармон билан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари гайрикониуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳаёти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилганлиги эса судларни ихтисослаштириш борасида яна бир муҳим қадам бўлди. Бундан ташқари, маъмурий ишлар билан биргаликдаги жойларда иқтисодий судлар ташкил этилиши узок ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан тadbirkorларнинг суд ҳокимиятига эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Судьялик корпусини малакали кадрлар билан тўлдирish, суднинг обрўсини ошириш, суд қарорларини барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Фармонда қайд этилган вазифаларнинг белгиланган муддатларда ва сифатли амалга оширилиши суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, чин маънода профессионал судьялик корпусини шакллантириш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Ўткир ХОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

Суд тизимини янада ислох қилиш, изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, судларда қўриладиган ишларни тез, самарали ва одилона ҳал этиш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорларини ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда эълон қилган "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Фармонга асосан одил судловнинг самарадорлигини ва тезкорлигини, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш, суд тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида умумий юрисдикция судларининг янада ихтисослашуви амалга оширилмоқда. Эндиликда фуқаролик ишлари, иқтисодий бўлган боғлиқ ишлар, жиноят ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича одил судлов тегишли-ча алоҳида судлар томонидан амалга оширилади.

Мазкур Фармонда белгиланган муҳим янгиланглардан бири номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокчини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органининг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши бўлди.

Фармонда назарда тутилган яна бир муҳим янгиланг — оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо-ларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизимининг шакллантирилиши бўлди. Эндиликда мамлакатимизда илк мартабада давлат судлари ва уларнинг мансабдор шахслари гайрикониуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи амалда таъминланмоқда.

Фармоннинг диққатга молик томонларидан бири шундаки, унга биноан суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди ва унга судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлашни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Ҳулоса қилиб айтганда, Фармонда одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича тарихий ўзгаришлар назарда тутилган. Бу чора-тадбирлар суд одил судловнинг ифодаси, унинг беғараз ва холис хизматчиси сифатидаги ролини оширади.

Ҳайдарали МУХАМЕДОВ,
Тошкент давлат юридик
университети доценти, юридик фанлар номзоиди

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодий ривожлантириш, халқимизнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада миллий қонунчилик асослари яратилгани, унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказишда давлат ва жамоат ташкилотларининг узвий фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгиланган ва уларни ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари доир муҳим вазифалар белгиланган.

Фармонда Ҳаракатлар стратегиясини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида уни мамлакатимизда йилларга бериладиган ноилардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастури қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга ошириш тартиби белгиланган. Мазкур фармон билан муҳим аҳамиятга эга бўлган икки ҳужжат — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва уни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Давлат дастури беш бўлим 320 банддан иборат.

Матбуот анжуманида Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор йўналишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Анжуманда янги қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар билан халқимиз ва ижрочиларни таништириб бориш, уларнинг ижросини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Матбуот анжуманида мазкур қарордаги янгиланглар, ҳуқуқий ахборот тарқатишнинг кўзда тутилган янги механизми, бу жараёнда Адлия вазирлигининг ваколатлари, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини такомиллаштириш борасида белгиланган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Г.САТТОРОВА

ФАХРИЙЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Тошкентда фохрийларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг вазифаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, "Нуроний" жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқаруви раиси С.Ҳакимов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Б.Махмадалиев ва бошқалар мамлакатимизда кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳаётий тажрибаларини ёшлар тарбияси ва онгу шуғурига сингдиришда оммавий ахборот воситалари ходимларининг мавқеи ва ролини янада кучайтириш масалалари хусусида сўз юритди.

Мустақиллик йилларида кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор фармон, қарор ва дастурлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланаётди. Давлатимизнинг бу қатор ғамхўрлик ва эътибори тўғрисида аҳолининг ҳаёти ва турмуш тарзи яхшиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фохрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда, — дейди "Ҳоразм ҳақиқати" газетаси бўлим мудири А.Сапаев. — Журналистлардан бу жараёнда фаол иштирок этиш, фохрийларнинг ибратли ҳаётий тажрибасини ёшларга ўргатишда билим ва ижодий маҳоратини кўрсатиш талаб этилади.

Семинарда "Кекса авлоднинг эъзозлаш, уларнинг ҳаёт даражасини ҳар томонлама яхшилашга оид қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар", "Бугунги кун ёшлари ва ёш улуг кексаларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларда миллий қадриятларимизнинг тарғиботи масаласи", "Мамлакатимизда кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни амалга оширишда касаба уюшмаларининг ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Университет ректори А.Мараҳимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири Ш.Зулфқоров ва бошқалар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминлангани, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўйбога чиқариш бўйича катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини белгиланган. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳафсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташкил сисёат юритиш каби йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат.

Президентимизнинг мазкур фармони олий таълим тизимида ўқитиш сифатини янги босқичга кўтаришга ҳам хизмат қилади, — дейди ЎЗА мухбирига университетнинг ижтимоий фанлар факультети ўқитувчиси Насиба Абдуллаева. — Шу билан бирга, ўқитувчиларга ўз касбига янада масъулият билан ёндашиш, ёшларнинг танланган мутахассисликлари бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлишини изчил таъминлашни ҳам тақозо этади. Зеро, бу жараён Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қизгин мулоқот руҳида ўтган семинарда Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш механизмлари ҳақида фикр алмашилди.

М.ХУСАНОВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДРАМАЛАР

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Қишлоқ ҳаёти".
07.20 "Ватанпарвар".
08.00 "Тахлинома".
08.40 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
09.20 "Чашмалар". Х/ф.
09.35 Анонс.
09.50 1. "Дидар". 2. "Рангинкам".
10.00 "Олий кадрят". Теленовелла.
10.40 "Хотира юки". Теленовелла.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ибратга йўрилган умр".
11.30 "Агролам".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзининг англа". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Этиқод муносабатини йўлдан".
14.45 "Бизнес-старт".
15.10 Анонс.
15.20 "Муъжизалар макони".
15.50 "Заковат".
16.50 Анонс.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
17.50 Анонс.
18.00 "Субхатдош".
18.20 "Имконият".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25 "20.00, 20.50 Эълонлар".
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Бизнес-старт".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.40 - 00.05 "Юлдуз билан уч-рашув". Б/ф.
00.05 "Хотира юки". Теленовелла.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "13-студия".
08.00 "Қорраҳдаги уй". Т/с.
09.30 "Юрт келажиги".
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Камолот-инфо".
